



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 9 декабрь, № 258 (7760)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш — давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик ўртасида сўров ўтказди. Унда ўзбекистонликларнинг мамлакат Асосий Қонунига муносабати, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий онги даражаси, уларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг таъминланиши даражаси ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг самарадорлиги ҳақида аҳоли фикри ўрганилди.

Ижтимоий фикр

8 декабрь куни ўзбекистонликлар асосий байрамлардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни нишонлади. Ўтган йиллар мамлакатимизнинг Асосий Қонуни вақт синовида муваффақиятли ўтганлигини, мамлакатнинг барқарор ривожланиши, муҳим давлат ва жамоатчилик институтлари шаклланиши учун шароитлар яратилганини, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллаганлигини, конституциявий қонунийликни таъминлаштириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини модернизациялаш, халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ва манфаат-



лари кафолати, ҳимояси учун мақбул шароитлар яратилганини кўрсатмоқда. Тадқиқотда олинган натижалар жамоатчилик фикрида Харакатлар стратегияси доирасида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ва модернизациялаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва умуман олганда, давлат бошқаруви тизимига аҳолининг ишончини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг асосий кафолати сифатида қонун устуворлиги тамойилини мустаҳкамлашга, демократик, ҳуқуқий давлат қуришга ёрдам беришига ишонч устуворлик қилишини кўрсатди.

Кўпчилик сўров иштирокчиларининг фикрича, фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат ҳимоясида, шу сабабли мамлакатда аҳолининг барча қатлами учун қонун устуворлиги таъминланган, фуқаролар учун таълим олиш, меҳнат қилиш, малакали тиббий хизматлар олиш бўйича тенг ҳуқуқлар, зарур ёшга етганда оила қуриш ҳуқуқи ва репродуктив ҳуқуқ, диний эътиқод, диний кўрсатмаларни бажариш, миллий анъаналар, удуллар, урф-одатларга риоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ҳуқуқий ислохотлар жараёнида респондентларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини билишга, қонунийликдаги ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақидаги ахборотлардан хабардорлик даражасини оширишдан манфаатдорлигининг кўпайишида аҳоли ҳуқуқий онги даражаси ўсаётганлиги кўринади. Ушбу ҳол кўп жиҳатдан ОАВ, интернет-сайтлар орқали ҳуқуқий ахборот олиш имконининг, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хажмининг ошиши билан боғлиқдир.

Тадиқот натижаларининг кўрсатишича, фуқаролар, умуман олганда, амалдаги суд-ҳуқуқ тизимини, уни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш натижаларини ижобий баҳолайдилар. Олинган тадиқот натижаларига мувофиқ, сўров иштирокчиларининг учдан бири мавжуд суд-ҳуқуқ тизимини етарлича самарали ҳамда мамлакат фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи тизим сифатида баҳоладилар. Айни вақтда ҳар иккинчи респондентнинг ҳисоблашича, ҳозирги вақтда ҳуқуқ тизими етарлича самарали ишламаяпти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги замонавий талабларга ҳамisha ҳам жавоб бермайди.



«Меҳр-3»:

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ҲАМИША ЎЗ ДАВЛАТИ ВА КОНСТИТУЦИЯСИ ҲИМОЯСИДА

Кейинги 4 йил мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг кўламли изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Эътибор

Жумладан, хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, пан-

демия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқаролари юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошларимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.



ЎЗБЕКИСТОН — ДИН ЭРКИНЛИГИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНГАН МАМЛАКАТ

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти 2020 йил 7 декабрь куни расмий баёнот бериб, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасидаги “Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати”дан чиқарилганини эълон қилди.

Эътироф

АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео мамлакатимиз эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида улкан ўсишга эришганини эътироф этди. Ўзбекистон эндиликда дин эркинлиги тўлиқ таъминланган мамлакат сифатида баҳоланади.

АҚШ Давлат департаменти қарори Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллиги арафасида эълон қилинган чучук рамзий маънога эга. Бу Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб

берган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашга йўналтирилган чучук демократик ислохотларнинг халқаро миқёсда тан олиншидир.

Майкл Помпео Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган қатъий ислохотлар бошқа мамлакатлар учун намуна бўлишини кайд этди.

«Халқ сўзи».



Халқ дейдики...

УЛКАН ЮТУҚЛАРИМИЗ ВА ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИМИЗ ҚОМУСИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами муносабати билан йўллаган табригида ўтган қисқа даврда жамиятимиз сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимиз дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳамда буларда Бош қомусимиз ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимиз улкан ютуқларимиз ва ёрқин истиқболимиз қомусидир. Давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, умуман, халқимиз вакиллари мулоҳазалари айнан шулар ҳусусида бўлди.



АФВ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган байрамлар арафасида бағрикенглик, инсонпарварлик, кечиримлик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар кўлами янада кенгайди. Хусусан, бу Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллик байрами арафасида яна бир бор намоён бўлди.

Шодиёна муносабати билан Президентимиз томонидан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Бу давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида кўплаб оилаларга қувонч, шодлик ва умид олиб кирди.

Эзгулик

Абера ХУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Инсон эзгулик учун яратилган, аслида. Унинг қалбида яхшиликка мойиллик бор. Унинг қалб кўзи очик бўлса, виждони рўпарасида,

кўз ўнгиде туришини ҳис этса, у ҳеч қачон ёвузликка, аниқроғи, ёмонликка қўл урмайди, ёмон ишларни қилмайди. Аммо инсон табиатан жуда

ожиэ. Айрим ҳолларда шундай ноўрин ва нотўғри босилган қадамлар уни жиноятга етаклайди.



БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ ВА УЛКАН САЛОҲИЯТИ

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам бериш, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратиш мақсадида **10 триллион сўм** фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича Давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида **13 мингдан зиёд юртдошларимизга** янги уйларнинг калити топширилди.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида **2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан** ортиқ оилани кўллаб-қувватлаш учун **840 миллиард сўм** маблағ ажратилди, **300 мингга** яқин оиланинг меҳнатга лоёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Жорий йилда билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган **300 дан ортиқ шахс** афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, **200 нафар маҳкумнинг** жазо муддатлари қисқартирилди.

Ўтган йигирма беш йилда **482 нафар** шахсга фуқаролик берилган бўлса, бүгунги кунда **50 мингдан зиёд киши** шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавобдир.


Пандемия даврида **500 мингдан зиёд** Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган **100 мингга яқин** юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригидан.



Муносабат

МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ҲАМДА САНЪАТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР НАМУНАСИ



Президентимизнинг халқимиз ардоғидаги ижодкорларнинг юбилейларини кенг нишонлаш ҳақидаги қарорларини телевидение орқали эшитиб, қувонган бўлсак, газеталарда ушбу ҳужжатларни ўқиб, уларнинг маъно-мазмунини, аҳамиятини янада тере...

Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби эди. Унинг юксак бадиий, тере...

марралар сари интилувчан ёшларни тарбиялашга, ёш иқтидорларни кашф этиб, маҳоратларини чархлашга хизмат қилмоқда.

Шоирнинг шеърӣ китобларидан бири ва бир шеъри "Йиллар армони" деб аталади. Дарҳақиқат, ижодкорнинг армонлари кўп эди. Ҳақиқатан ҳам, унинг армонлари кўп эди. Ҳақиқатан ҳам, унинг армонлари кўп эди.

армонлари рўёбга чиқмоқда. Ёзувчилар уюшмаси янги бинода фаолият юритмоқда. Она тилимиз жаҳоннинг бош миначада янгради. Ижодкорлар имтиёзли асосда уй-жойлар билан таъминланган.

Абдурахим ЭРКАЕВ, Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Қарши давлат университети профессори.

ЭЛ МЕҲРИНИ ТОПГАНЛАР УНУТИЛМАЙДИ



Давлатимиз раҳбари халқимиз маънавиятига улкан ҳисса қўшган ардоқли уч ижодкор — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорларни имзолагани барчамизни чин юракдан қувонтирди.

Бу ижодкорларни бутун Ўзбекистон танирди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлсак. Абдулла Орипов шеърлари, Ўткир Ҳошимов асарлари, Ботир Зокиров қўшиқлари ва у қатнашган фильмлар кириб бормаган хонадон топиламан керак.

инсон ҳаётининг ва она юртининг кадр қўшмагини тараннум этишган бўлса, давлат раҳбарининг қарори билан улар ўзлари қўйлаган олий қадриятга — эл меҳри ва давлат ардоғига эришдилар.

Шу ўринда бу уч ижодкор ҳаётининг муштарак жиҳатлари эътиборини тортади. Абдулла Орипов ҳам, Ўткир Ҳошимов ҳам 1941 йилда, Ботир Зокиров эса улардан беш йил аввал — 1936 йилда, бири Тошкентнинг Дўмбиробод маҳалласида, икинчиси Қашқадарёнинг Косониди, Некўз қишлоғида, яна бири эса Ўзбекистондан Москвага бориб тахсил олаётган санъаткорлар оиласида Москвада дунёга келган.

Сирасини айтганда, ижод соҳасида юртимиз ўз фарзандларини бутун оламга кўз-кўз қилса арзийди. Ўз халқи ва Ватанининг ёрқин келажаги ҳақидаги орзуларини, оддий кишиларнинг ўй-кечинмаларини асарларига муҳрлаган қўллар адибларимиз қаторида мазкур улуғларимиз ҳам халққа хизмат қилиш шарофатидан шундай юксак мақомларга эришдилар.

Исажон СУЛТОН, ёзувчи.

МИЛЛАТ ФАҲРИГА АЙЛАНГАН САНЪАТКОР

Миллат руҳи ва шукҳи санъаткорлар ижодида, хонандалару созандадорнинг қуй ва қўшиқларида ўз аксини топади. Миллий музика санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган санъаткорлар қаторида Ботир Зокировнинг ҳам ижодий мероси ҳақида айни шу фикрни айтиш мумкин.



Шу боис Президентимизнинг Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик. Қўзларимизга севинч ёшлари келди.

Бу қарор ҳаётда ҳақиқатнинг, адолатнинг яна бир тантанаси ҳамдир. Зеро, Ботир ака қисқа умр кўрса-да, ўз ижоди, қолдирган бебаҳо асарлари, нодир мероси билан асарларга татулик ишларни амалга ошириб кетди.

Ботир Зокиров ўзининг жонбозлиги, изланувчанлиги, янгиликка интилиши натижасида ўз даврида ҳали ўрганилмаган ва халқимиз учун янгилик ҳисобланган тароналарни тўхта этди.

Миллий қўшиқлар, опера ариялари билан бир қаторда Ботир Зокиров турли халқлар ашулаларини ҳам маромда ижро этди. Эътиборли томони шундаки, хонанда хориж тилидаги қўшиқларида ўша миллатнинг характери ва руҳини моҳирона ифода қилган бера оларди.

дан бирига айланди. Хонанда қўйлаган барча қўшиқ ва ашулаларда ўзгача руҳ, ўзгача ижро маҳорати, ўзгача услуб ва темир мужассам эди. Унинг бетакрор тенор овози ҳар бир муҳлис қалбига чуқур сингиб борган эди.

Ботир Зокиров музика санъати соҳасида катта ютуқларга эришти. Жумладан, санъаткор 1958 йилда профессионал эстрада оркестрининг ташкил этилиши, 1972 йилда эса Тошкентда мюзик-холга асос солинишига катта ҳисса қўшди.

Ботир Зокиров шеърят ҳақида адабиётда, кино санъати ва рассомчиликда ҳам ўз ўрнини топти. Ижодкорнинг шеърлари кўп адабларда нашр юзиди кўрди.

Рустам АБДУЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси.

«РАҚАМЛИ БОЖЖОНА» ЁХУД УМРИ ТУГАЁТГАН ҚОҒОЗБОЗЛИК

Тадбиркор халқ борки, юмуши тез, осон ва қоғозбозликсиз битишини истайди. Зеро, кўкка совурилган вақт у учун йўқотилган бебаҳо гавҳар мисоли. Ахир «Вақтин кетди — нақдинг кетди», деб бежиз айтилмаган.

Кечани бугун билан таққослаб бўлмайди. Нега деганда, охириги йилларда божжона соҳаси ҳам тубдан оғир қилинди ва бу жараён давом эттирилипти. Бугун тадбиркорлар ҳужжат кўтариб, имзочни изидан зир югуриш, соатлаб навбат кутиш ва шунга ўхшаш сансалорликлардан қутилиди.



Жараён

Бунда соҳага рақамли технологияларнинг кенг жорий қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. «Рақамли божжона» тизими таомилга киргани юртимизда экспорт-импорт товарлари расмийлаштирувни соддалаштириш билан бирга, ортиқча овозагарчиликларга барҳам бераётир.

— Бугун мамлакатимиз божжона хизматининг барча йўналишида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти божжона бошқармаси бошлиғи Зафаржон Турдалиев. — Бунга мисол қилиб, импорт асосида божжона чегарасидан ҳаракатланганидан товар ҳамда транспорт воситалари импортёрнинг ихтиёрига бўлган ҳар бир босқич автоматлаштирилган дастурлар орқали онлайн назоратга олинган ҳолда амалга оширилаётганини келтириш мумкин.

Аниқ рақамларга таяниб айтадиган бўлсак, Қашқадарё вилояти божжона бошқармаси томонидан шу йилнинг ўтган даврида 711,7 миллион АҚШ долларлик импорт-экспорт товарлар божжона расмийлаштирувдан ўтказилган. Ушбу товарлар учун ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тақдим этилган 17 миң 16 та божжона юк декларацияларининг барчаси масофадан туриб, онлайн расмийлаштирувдан ўтказилган.

Божжона расмийлаштируви учун сарфланган вақт қисқариб, асосан, экспортда 20 — 40 дақиқани, импортда 1-2 соатни ташкил этган. Тадбиркорларни қувонтирадиган яна бир жараён борки, бунда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ва божжона ходимлари ўзаро учрашмайди. Яъни божжона расмийлаштируви инсон омилсиз амалга оширилади. Яратилган

бундай қулайликлар товар айланмаси ҳизмати ошириш ҳамда божжона хизмати фаолиятини тақомиллаштиришда қўл келяпти. Вилотдан 31 та давлатга товар экспорти амалга оширилмоқда. Эрон, Туркия, Россия Федерацияси, Афғонистон, Тожикистон, Қозғоғистон, Индонезия ва Хитойга 127 та тадбиркорлик субъекти томонидан калава ип, минерал ўғитлар, табиий қазилмалар, пластмасса ҳамда ундан тайёрланган буюмлар, тўқимачилик маҳсулотларини ўз вақтида жўнатишда божжоначиларнинг хизмати катта.

Шу билан бирга, қулайликлардан яна бири, бу — «ашил» ва «сарик» йўлаки тизимларнинг жорий этилгани бўлди. Бу усул товарларни божжона кўригидан ўтказиш, тадбиркорлар мушқулини осон қилишда қўл келаятир. Божжонада яратилган қулайликлар ташқи иқтисодий фаолият субъектларига манзур бўлаётир. Маблағ ва қимматли вақтлари тежалаяпти. Божжона расмийлаштирувларининг масофадан амалга оширилиши, пандемия даврида карантин қондаларига қатъий риоя қилишда асқатмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан амалга оширилган импорт учун божжона тўловлари бўйича 1 триллион 833 миллиард сўм миқдорда божжона имтиёзлари қўлангани фикримизни тасдиқлайди.

Соҳада яратилган қулайликларнинг барчаси ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларга кенг имкониётлар тақдим этиш ва пировардида мамлакатимиз иқтисодийетини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Бухоро вилояти бошқармаси томонидан https://www.e-auction.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2020 йилнинг 21 декабрь куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Бухоро вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Table with 4 columns: T/P, Авто-транспорт русуми, Ишлаб чиқарилган йили, Давлат рақами, Лот рақами. It lists 20 items for auction.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 28/1-уй.

Тадбиркорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Сирдарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган СИ-00048-сонли шартномага асосан, https://www.e-auction.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2020 йилнинг 18 декабрь куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Сирдарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Table with 4 columns: T/P, Автотранспорт русуми, Ишлаб чиқарилган йили, Давлат рақами, Лот рақами. It lists 9 items for auction.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 48-уй.

Талабдорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes contact information for the editor-in-chief, phone numbers, and subscription details.